

Organization of Music Lessons by the Teacher in Various Ways

Khurliman Ayapova¹, Muzabbar Yesanov²

Annotation: The article is devoted to the role and significance of music in breeding comprehensive educated generation, some issues of music lessons arrangement and to teachings method in initial classes of primary schools. There is discussed the ways of appropriate musical composition choice to the pupils' age.

Key words: comprehensive educated generation, person, state, state education standard, teaching plane, music, melody, song.

Ҳар қандай жамиятда ёш авлод тарбияси давлат олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Чунки, жамиятнинг жамият сифатида раванқ топиши ва ривожланиши ана шу келажак авлоди тарбиясига боғлиқ. Маълумки, тарбия шахсни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларига тайёрлаш, шунингдек, унинг маънавий, ақлий, жисмоний ва муסיқий ривожланишига мунтазам таъсир этиб борувчи ўзлуксиз жараён. Эндиликдаги асосий вазифа ана шу ёшларга таълим ва тарбия бериш, ўларнинг куч ва садоқатини ана шу Ватанга муҳаббат, юрт тинчлиги ва особийишталлиги, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йулида сафарбар этишдир. Буни дунёнинг кўпгина давлатлари қатори Қорақалпоқистон Республикаси ҳукуматининг олиб бораётган одилонани сиёсати натижасида амалга оширилаётган кенг ишлар қуламида пайкаш кийин эмас.

Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Қорақалпоқистон ватаним маним», «Фольклор» этнографик ансамблларнинг Республика танловлари, бахши-оқинларнинг ҳалқаро танлови, Ҳалқаро «Шарк тароналари» муסיқа фестивали каби қатор нуфўзли танловларни тилга олиш мумкин.

Қадимий ва бой тажрибага эга қорақалпоқ миллий муסיқа маданияти баркамол ёш авлодга таълим ва тарбия беришда асосий восита ҳисобланади.

Бу ўринда устоз-шогирд аънасини мисол қилиб олиш ўринли. Қадимги даврларда муסיқа санъатини ўзига касб қилмоқчи бўлган ёшлар уста санъаткорга шогирд тушиб, йиллар мобайнида унинг уйида яшаб, нафақат устознинг санъат бобидаги маҳоратини, балки унинг барча яхши фазилатларини ўзига сингдириб олган. Вақт утиши билан устоз-шогирд аънаси маҳорат мактабларининг вужудга келишида пойдевор вазифасини утаган. Бундай мактабларнинг са марали фаолияти мазмунида шахсни жамиятда камол топиши ва ўз ўрнини белгилашида муסיқа ҳақиқий маънодаги касбий тарбия воситаси эканлиги ўз ифодасини топди.

Қорақалпоқ халқининг юксак миллий кадр- қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи ўнинг ута меҳрибонлиги ва соф виждонлигига асослангандир.

Фарзанд туғилиши билан унга алла орқали ота-онанинг орзу умидлари, хис- хаяжонлари, ўй-кечинмалари оҳанг орқали сингдирилиб борилади. Бола улғайиб борган сари унга турли жанрдаги кўшиқ-айтим ва куй-оҳанглар ҳамроҳ бўлади. Кўшиқ айтимнинг куй-оҳанг ва шеърий маъно мазмуни ўсиб келаётган ёш авлодни ўз тарбиясига олади. Боланинг ҳатти-ҳаракатларида намоён бўла бошлайди. Бу жараёнда фарзандларимиз қандай куй-кўшиқ эшитяётганлиги орқали унинг ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларни кўзатиб бориш мумкин бўлади. [2.Б.76].

Баркамол авлод камолотида муסיқа тарбиясини амалга оширишда муסיқа соҳаси буйича кадрлар тайёрлаётган таълим муассасаларида «Муסיқа ўқитиш методикаси» фани катта аҳамият касб этади. Бу фан мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфи, ўрта ва юқори синфларида муסיқа ўқитиш методикаси орқали сингдирилиб борилади. «Муסיқа ўқитиш методикаси» фан сифатида ўзининг тизимига мансуб бўлиб, муסיқий фанлар тармоғида ўзининг мустақил ўрнига эга.

Унда муסיқий тарбия мазмуни, методлари, сифат ва самарадорликка эришиш йуллари, қонуниятлари ўрганилади. Ўқувчи-ёшларни муסיқа машғулотлари асосида тарбиялашда нафосат, муסיқа физиологияси, муסיқий психология каби қатор фанларнинг тажрибаларига таяниш лозим. Чунки муסיқа инсон руҳияти билан ўзвий боғлиқ бўлиб, унга энг осон таъсир этувчи куч ҳамдир.

Муסיқа асарини онгли идрок этиш, асар мазмунини тушунтиришда ўқувчиларга муסיқа тинглаш машғулотларини туғри ташкил этиш муҳимдир. Бу уларда тажриба туплаш ва ундан оқилонани фойдаланиш, шу билан бирга маънавий дунёсини бойитишда ёрдам беради. Ёшларни муסיқага бўлган қизиқишида муסיқий эстетик дидини тарбиялайди.

Кишиларнинг муסיқий маданияти фақатгина мактабнинг таъсири остидагина шаклланмайди. У уйда, теварак-

¹ Teacher at the Nukus Specialized School of Culture

² Lecturer at the Nukus branch of the state institute of arts and culture of Uzbekistan

атрофда, жамоат жойларида, туй-ҳашамларда, байрамларда, ҳам шаклланади. Бунда оммавий аҳборот воситалари ҳам катта роль уйнайди. Гап мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳақида борар экан, бунда албатта, мусиқий педагогик методлар ўз ечимини кутади:

- a) ўқувчи-ёшларда ижодий мусиқий қобилиятни эрта ривожлантириш;
- b) ижро маҳорати, овоз ривожланишини назорат қилиш;
- c) тарбияланувчи ёши ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш;
- d) ўқувчиларнинг мусиқий фаолиятларининг турли шаклларда ривожланишида кенг шарт-шароитлар яратиш. [3.Б.135-136]

Юкорида таъкидланганидек, баркамол авлод тарбияси, мусиқа таълими ва тарбиясини ташкил этишда таълим муассасалари етакчи омил ҳисобланади. Чунки ўқувчиларнинг оммавий тарзда жалб этилиши мактабдаги мусиқа фанига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бунда ҳоҳ у мактабгача таълим муассасаси бўлсин, ҳоҳ умумтаълим мактаби бўлсин яратилаётган давлат таълим стандартлари (ДТС) ҳамда ўқув дастурларини тўзишда ўқувчининг ёшга ҳос психологик хусусиятларини инобатга олиш лозим.

Болада жуда ёшлигидан бошлаб мусиқа ҳиссиётини тарбиялаш лозим, бу эса унинг руҳий ҳолатини мустаҳкамлайди, деган ғояни илгари суради. Дарҳақиқат, мусиқа нафакат инсоннинг руҳиятига самарали таъсир этувчи восита, балки ўз моҳияти ва жамиятдаги мақсад ва вазифаларига қура, тарбия воситаси ҳамдир.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб шаклланишида барча фанлар қатори мусиқанинг ўрни нақадар катта эканлигини ҳамма жуда яхши билади. Мусиқа шахс маънавий баркамоллигининг таркибий ва ўз ўрнида ажралмас қисмларидан бири сифатида намоён бўлади. Мусиқа санъатининг ёш авлодга кўчлироқ таъсир кўрсатиши фақат уни тинглаш ёки чуқур идрок этишни эмас, балки ўқувчиларнинг шу санъат бўйича мусиқа маданияти дарслари жараёнида ўрганилаётган куй- кўшиқларни уларнинг тафаккурида шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо қилади.

Ўқувчиларда юкорида келтирилган билим ва қуникмаларни шакллантиришда «Мусиқа маданияти» фанининг асосий назарий таркибий қисмини ташкил этувчи «Мусиқа назарияси», «Сольфеджио», «Гармония», «Мусиқий чолғуларни ўрганиш» бўлимларига алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Бу фаолият ўқувчиларда нота ўқишни шакллантириш билан бир қаторда мусиқани онгли равишда идрок этишни ҳам ривожлантиради. Бу эса ўқувчиларда мусиқа дарсларининг вокал, хор, жамоа бўлиб қушиқ айтиш, мусиқа назарияси, мусиқа тинглаш каби бошқа қатор фаолиятларини осонлик билан ўзлаштиришларида жуда катта ёрдам беради. [4.Б.78]

Мусиқа дарсларининг унумли бўлиши учун дарс машғулотида давомида сольфеджио, яъни нота ўқиш, нотага қараб қуйлаш фаолиятларига кўпроқ вақт ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар қуйлаш машғулотида давомида барча фаолиятларини назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига боғлайди.

Ўқитувчи мусиқа дарсларини ташкил этишда ўнинг мазмунини ранг-баранг кўринишларда ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мусиқа дарси бир қолипга тўшиб қолмаслиги керак. Мазкур дарснинг сифат ва самарадорлиги болаларда бошқа фанларни ўзлаштиришларига замин яратиши лозим. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўз ишига ижодий ёндашиши, мусиқа дарсларини утказишнинг шакл ва методларини кидириши ва яхши натижаларига эришиши керак. Мусиқа дарсларини ташкил этишнинг бир неча жиҳатлари мавжуд. Дарснинг мақсади мазмуни ва тўзилиши билан белгиланади.

Хулоса ўрнида, баркамол авлодни мусиқа орқали тарбиялашда қуйидаги асосий тамойилларни илгари сўришни тавсия этамиз:

1. Ўқувчи-ёшларнинг бадиий дидини миллий куй-кўшиқлар асосида устириш тамойили. Мазкур тамойилнинг асосий вазифаси асосан ўқувчи-ёшларнинг бадиий-мусиқий дидини устиришдан иборат. Бунда асосан қорақалпоқ мусиқий мероси қатламларида мавжуд халқ қушиқлари ва миллий чолғу қуйларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқувчи-ёшларнинг эшитувчанлик қобилиятини устириш тамойили. Мазкур тамойил бугунги кунда ута муҳим аҳамият касб этмокда. Сир эмаски, ғарб мамлакатларидан «оммавий маданият» деган тушунча жадал суръатда бутун Шарқ мамлакатлари маданиятига таъсир қилмокда. Бу ҳолат Қорақалпоғистонни ҳам четлаб ўтгани йук. [5.]

2. Оммавий маданиятнинг ёшларга сингдирилишида мусиқа асосий восита ҳисобланади. Шунинг учун ёшларга таълим ва тарбиявий аҳамиятга эга миллий куй-кўшиқларни эшиттириш ва уни қуйлаш йул-йуриқларини ўргатиш анча самара беради. Демак, баркамол авлодни тарбиялашда мусиқа эшитиш тарбиясини туғри ташкил этиш муҳим.
3. Ўқувчи-ёшлар тарбиясида миллий, умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этган, Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳияти касб этган куй-кўшиқларни ўргатиш ва ўларни дастурларнинг асосий қисми сифатида қараш тамойили.

Адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажигимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан ҳирга қураимиз.Т. «Ўзбекистон»

2017 йил

2. Шарипова Г. Муסיқа ва ўнинг ўқитиш методикаси. - Т., 2006.
3. Мансуров А., Норхужаев Н. Муסיқа. 5-синф учун дарслик. - Т., 2004.
4. Иброхимов О. ва бошқалар. Муסיқа. 7-синф учун дарслик. - Т., 2007.
5. Илхомов М. Баркамол авлод тарбиясида шеър, қўшиқ, оханг. - Т., 2010